

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ АХБОРОТ МАНБАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**К.Б. Уразов- и.ф.д., профессор,  
З.Эшпўлатова- магистрант (СамИСИ)**

Республикада иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида аудиторлик хизматларидан кенг фойдаланиш объектив зарурат ҳисобланади. Чунончи, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида аудиторлик хизматларидан кенг фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги қуйидагиларда ёрқин намоён бўлади.

**Биринчидан**, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳар қандай давлат иқтисодиётини раванқ топишида ўзига хос локомативдир. Ушбу соҳасиз иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларини барқарор ривожига таъминланмайди.

**Иккинчидан**, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси кишилик жамиятида яратилаётган ялпи ички маҳсулотда ўзининг сезиларли ҳиссасига эга ва бу ҳисса борган сари юксалиб бормоқда. Чунончи, мазкур соҳанинг бутунжаҳон ЯИМдаги улуши сўнгги 30 йил ичида 58,4 %дан 69,0 %га, шу давр мобайнида хизматлар ҳажми 20,1 трлн АҚШ долларидан 47,5 АҚШ долларига етди<sup>1</sup>.

**Учинчидан**, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ўта хилма хил тадбиркорлик фаолият турларини ўз ичига олади. Бинобарин, ушбу фаолият турлари мазмуни, техник-иқтисодий ва технологик жиҳатлари бўйича бири-биридан тубдан фарқланади. Ушбу фарқли жиҳатлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида даромадлар, таннарх ва бошқа кўрсаткичларни шаклланишига бевосита ўз таъсирини ўтказди.

**Тўртинчидан**, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кирувчи корхоналар уларда юритилаётган бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос субъектлари бўлиб ҳисобланади. Бундай хусусиятлар мазкур соҳа субъектларида юритиладиган бухгалтерия ҳисоби методининг барча элементларида, чунончи ҳужжатлаштириш, счётлар, счётларга икки ёқлама ёзув, баҳолаш, калкуляция баланс ва ҳисобот шаклларида ёрқин намоён бўлади.

Юқорида келтирилган ва бошқа жиҳатлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кирувчи корхоналарни уларда ўтказиладиган аудитнинг ҳам ўзига хос субъектлари сифатида тавсифлайди.

Корхоналарда ўтказиладиган аудитнинг самарадорлиги, уни натижалари реаллиги ва бошқарувда нафлилиги бевосита унинг ахборот манбаларига боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

**Аудитнинг ахборот манбалари** деганда уни ўтказишда ишботу-далилларни ўзида мужассамлаштирувчи ахборот ташувчилар, шунингдек

---

<sup>1</sup> Сафаров Ф.А. Хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини оширишда бизнес-жараёнлар реинжинирингининг услубий йўналишларини такомиллаштири. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. – Самарканд, 2019, 5-бет. ,

четланишларни аниқлашда таққослаш база тариқасида ишлатиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжалар тушунилади. Барча корхоналарда, чунончи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида аудитнинг ахборот манбалари ўз ичига қуйидагиларни олади (1-расмга қаранг).



**1-расм. Аудитнинг ахборот манбалари**

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кирувчи корхоналарда аудитнинг ахборот манбаларини ташкил қилувчи айрим меъёрий ҳужжатлар, шунингдек юз берган хўжалик операцияларга гувоҳлик берувчи бошланғич ҳужжатларнинг таҳлили уларни такомиллаштириш заруратлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Қуйида уларнинг айримларига тўхталамиз.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида аудитнинг муҳим объектлари бўлиб даромадлар ва харажатлар ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш ва ҳисобини юритишда асосий ролни “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлачиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”<sup>2</sup> ўйнайди. Таъкидлаш жоизки, ушбу низом даромадлар ва харажатлар таркиби ва уларни шакллантиришнинг барча тармоқ ва соҳаларга доир умумий жиҳатларини белгилайди. Бироқ, мазкур Низом хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари хусусиятларинини тўлиқ қамраб олмайди. Хизмат кўрсатиш ва

<sup>2</sup> Ўз. Р. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54- сон қарори билан тасдиқланган.

сервис соҳаси субъектлари учун улар хусусиятларини қамраб олган махсус Низом айрим хизмат турлари, масалан суғурта хизматлари, почта алоқаси хизматлари, коммунал хизматлар учун ишлаб чиқилган ҳолос. Шу билан бирга бугунги кунда тез раванқ топаётган кўплаб хизмат турлари, масалан, автотехсервис, автодилерлик, баҳолаш, кадастр, инжиниринг, пуллик тиббий хизматлар, риэлторлик, консалтинг, аудиторлик ва бошқа хизмат турлари субъектлари учун тармоқ Низоми яратилмаган. Ушбу низомнинг мавжуд эмаслиги юқорида номлари келтирилган сервис соҳаси субъектларида бир хилдаги кўрсаткичларни ҳисоб ва ҳисоботда турлича акс эттирилишига олиб келмоқда. Ўз навбатида, ушбу соҳа субъектларида ўтказилаётган аудиторлик текширувларида ҳам муаммолар вужудга келтирмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари фаолияти аудитида уларда қўлланиладиган счётлар режаси ўта муҳим ўрин тутди. Республикамизда амалда бўлган 21- сон БҲМС “Бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”<sup>3</sup> барча сервис соҳаси субъектлари хусусиятларини қамраб олмаган. Алоҳида сервис соҳаси субъектлари учун тармоқ счётлар режаси тасдиқланмаган. Бундай тармоқ счётлар режасининг ҳам яратилмаганлиги хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида улар фаолияти кўрсаткичлари ҳисобини юритишда амалиётда турлича ёндашувларга сабаб бўлмоқда. Ўз навбатида, ушбу соҳа субъектларида ўтказилаётган аудиторлик текширувларида турли чалкамликларга ҳамда мунозараларга олиб келмоқда.

Аудитнинг реаллиги ва объективлиги, маълумки, юз берган операцияларни тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштирилганлигига боғлиқ. Хизмат кўрсатиш ва сервис турларининг кўплиги, улар ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларга эгаллиги мазкур соҳа учун яхлит бошланғич ҳужжатлар тизимини яратишни тақоза этади. Бироқ, республикамизда бундай яхлит тизимни яратилишига шу пайтгача эришилган эмас. Мисол учун, пуллик тиббий хизматлар соҳасида амалга оширилаётган жарроҳлик, терапевтик, психо-аналитиклик, рентгенология ва бошқа операцияларнинг ҳар бири бўйича улар ҳисобини юритиш учун керакли бўлган умумшакл ва мазмунга эга бўлган бошланғич ҳужжатлар тасдиқланмаган. Амалиётда бундай бошланғич ҳужжатлар турлича тузилмоқда. Натижада аудиторлик ташкилотларида мазкур операцияларни тўғри ҳужжатли расмийлаштирилганлиги тўғрисида аудиторлик хулосани беришда қийинчиликлар туғилмоқда.

Фикримизча, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига доир юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этиш уларда ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг ахборот таъминотини яхшилашга, пировардида бундай текширувлар реаллигини оширишга имкон беради.

---

<sup>3</sup> АВ томонидан 23.10.2002 й. 1181-сон билан рўйхатга олинган.